

Ishonch

2019 йил 16 июль • сешанба • № 86 (4215)

Ўзбекистон касба уюмлари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль кuni узлуксиз профессионал таълим тизimini янада такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бугунги кунда барча соҳа ва тармоқларда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Худудларда янги корхоналар ишга туширилиб, ижтимоий инфратузилма ривожлантирилмоқда. Олдинда яна катта режа ва мақсадлар бор.

Буларнинг барчаси малакали мутахассисларга бўлган талабни оширмоқда. Чунки ҳар бир соҳанинг ривожини, лойиҳаларнинг ижросини етук кадрларга боғлиқ.

Шу боис кейинги йилларда таълим тизими модернизация қилиниб, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологиялари жорий этилмоқда. Худудларда янги, шу жумладан, хорижий таълим муассасалари ташкил этилиб, талаб юқори бўлган мутахассислар тайёрлашга шароит яратилмоқда.

Йиғилишда ўрта бўғин мутахассислари ва ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрлашнинг самарали тизimini йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Коллежлар негизда профессионал таълим муассасаларининг янги тармоғини шакллантириш вазифаси қўйилди. Ушбу муассасаларда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрланади. Ўқитиш мuddатлари зарур билим, малака ва кўникмаларнинг мураккаблигига қараб турлича бўлади.

Йиғилишда ушбу тизимни жорий қилишдан олдин унинг методологиясини яратиш, таълим дастурларини халқаро талаблар асосида янгидан ишлаб чиқиш, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталарини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди. Ёшларни касб-хунарга қизиқтириш ва рағбатлантириш бўйича таклиф киритиш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари янги профессионал таълим тизimini меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштириш масаласига алоҳида тўхталди.

Жойларда ишсизлик кузатилаётган бир пайтда ишчи касблар бўйича мутахассисларга катта эҳтиёж борлиги қайд этилди. Масалан, енгил саноатда 46 минг, қурилишда 104 минг, металлга ишлов бериш бўйича 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 67 минг нафар мутахассис етишмаяпти. Бу таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида мулоқот ва яқин ҳамкорлик йўқлиги оқибатидир.

Шу боис битирувчининг ишга жойлашиши ёки ўз бизнесини йўлга қўйиши таълим муассасалари фаолиятининг асосий мезони бўлиши кераклиги қайд этилди.

Президент янги профессионал таълим тизimini бўйича таклиф этилган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

ЎЗА



Оромгоҳда беш ташаббус тарғиботи

Термиз шаҳридаги Халқаро ёшлар оромгоҳида Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Жонибек ҚЎЗИМУРDOV (ЎЗА) олган сурат.

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»

USTAZ JOLI
БОЗОРДАН ОЗОР ЕТМАСИИ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги

АМИР ТЕМУР МАҚБАРАСИ ЭПИКЛАРИ НЕГА ЁНИБ ҚЎЙИЛГАН?

Qashqadaryo
ҚАШҚАДАРЬО

САРСОН ҚИЛИШНИНГ «СУВОҚОВА»ЧА» УСЛУБИ

Mahalla
ЗАМОНАМИЗ ЁШЛАРИ КИМДАН ЎРНАК ОЛЯПТИ?

Oila va Jamiyat
МАКАРОН НОН ЎРНИНИ БОСГАНДА...

Фарғона вилояти

Сарҳисоб

Устувор йўналишлар таҳлили

Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раёсат йиғилишида фаолиятнинг устувор йўналишларига оид масалалар таҳлил этилди.

Бирлашма кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури доирасида белгилаб олинган устувор йўналишлар бўйича ўтган олти ой давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берди.

Таъкидландики, ўтган давр мобайнида вилоят касба уюшма ташкилотларига меҳнатга оид қонунбузилишлар ва бошқа масалалар бўйича фуқаролардан жами 100 та муурожаат келиб тушгани ҳолда уларнинг 30 таси қаноатлантирилди, 44 тасига эса тушунтириш берилди. Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида иш берувчиларга 7 та тақдимнома киритилди. Судга 5 та даъво аризаси киритилиб, 2 та ариза қаноатлантирилди, 1 та ариза бўйича келишувга эришилди.

2 ▶

Ўзбекистон – Туркия:
ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЙДИН ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тарихимиз, анъаналаримиз бир. Ўзбекистон биз учун ота юрт. Юртингиз мустақил бўлган, яъни 1991 йилдан 2000 йилларгача икки давлат ўртасида барча йўналишдаги алоқалар яхши бўлди.

Аммо орада бу муносабатлар, айтганингиздек, «музлади». Бунинг асосий сабаби сирли ва айёр ташкилотнинг амалга оширган ҳаракатлари эди. Бу ташкилот йигирма йил давомида сирли тарзда ислом дунёсининг ишончини қозонишга уринди. Ўзбекистонда ҳам фаолият юритди. Таълим тизимида шуҳрат топди, бойлик орттирди.

1999 йилда Ўзбекистоннинг Биринчи Президентини бу ташкилотни мамлакатдан чиқариб юборди. Туркияликлар бу ҳолатни ў пайтда идрок этмади. Ўзаро алоқаларга раҳна, деб ҳисоблади. Фақат 2013 йилдагина мазкур ҳолатнинг моҳиятини тушуниб етдикки, аслида, давлатингиз тўғри иш тутган экан, биз ўшанда хатога йўл қўйган эканмиз.

2016 йил 15 июнда ушбу ташкилот томонидан давлат тўнтаришига уриниш бўлди. Мазкур ҳолатда 251 нафар киши шаҳид кетди, 2700 нафардан ортиқ фуқаро жароҳат олди. Мен ҳам ўшанда жароҳат олганман. Бу воқеалар биз учун сабоқ бўлиб қолди.

4 ▶

(Давоми. Бошланиш ўтган сонда)

Аниқ ва гуманитар (лингвистика ва тарих) фанлар ҳамisha евроцентризмнинг ботил ниятларига суяниб иш кўрган. XIX юз йилликда ҳам Оврупада шаклланган бу ғоя сарқитларидан ҳали-ҳануз кутула олмади.

Улмас СУЛAIMOHOV:
Шумернома
«Ҳудуд илқатамаддук асосчилари»

Башарият қадимийлигига берилган баҳо XIX аср Оврупасининг сиёсий ва маданий ҳаритаси призмасидан қараган ҳолда чиқарилган. Ушбу нодиалектик назар тарихий истиқболни моҳиятан нотўғри ёритмаслиги мумкин бўлмаганидай, зикр этилган фанларнинг ҳулосаларида ўз ифодасини топмаслиги ва уларнинг бошланғич ҳаракат нуқтаси ҳамда тамалига айланмаслиги ҳам имконсиз эди.

4 ▶

Таҳлил

Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак

Ҳудуд паррандачилик саноати учун қимматга тушадиган «дон-сув» муаммоларига жавоб излаб...

Хозир бозорда гўшт нархи ошиб кетди. Уч-тўрт киши йиғилган жойда, қолаверса, ижтимоий тармоқларда (у ҳам виртуал гапхонага айланган манзил) ушбу мавзу муҳокама марказида. Тўғри-да, халқимиз гўштини хуш кўриб истеъмол қилади. (Ҳар ҳолда вегетариан эмасмиз).

Маълумотларга кўра, аҳоли рационада мол ва қўй гўштини камайган. Парранда, хусусан, товуқ гўштини кўпайган.

– Бир йилда инсон ўртача 50 кг. гўшт маҳсулотлари (мол – 18,9 кг, қўй – 9,1, балиқ – 7,1 кг. ва товуқ – 14,8 кг. гўшти) истеъмол қилиши мақсадга мувофиқ, – дейди ветеринар-шифокор Абдулхамид Мавлонов. – Агар мол ва қўй гўштини истеъмоли кам бўлса, организмнинг эҳтиёжини таъминлаш учун балиқ ва парранда гўштини истеъмолини кўпайтириш лозим. Айни пайтда А ва В гуруҳ витаминларига бой товуқ гўштини юртимизда аҳоли жон бошига 6-7 кг.дан тўғри келаётганини кўрсатмоқда.

Хўш, рационада белгиланган миқдордаги товуқ гўштини етказиб бериш ва соҳа ривожини учун қандай тўсиқлар мавжуд?

3 ▶

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ:

Мангуликка дахлдор мерос

Шунча ишлар қилинган экан-а?

Профессор Мухтор Эшбеков: НОБЕЛЬ СОВРИНДОРИ БЎЛГАН ОЛИМГА ЭЪТИРОЗИМ БОР.

Устувор йўналишлар таҳлили

41 Кўмакка муҳтож ва кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида 9 нафар ишловчи пенсионер, 30 нафар кўп болали, чекка ва олис ҳудудларда яшовчи аёллар, 11 нафар тиббиёт ходими, 11 нафар педагог, фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг 6 нафарига касба уюшмалари тизимидаги санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлаш учун бепул йўланмалар берилди. Фарғона шаҳридаги «Саховат уйи», Ўзбекистон туманида жойлашган «Муруват уйи»да яшовчилар ҳолидан хабар олиниб, уларга 7,9 млн. сўмлик ҳимойлик ёрдами кўрсатилди.

Жиззах вилояти

Жиззах вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкил этилган давра суҳбатиде иштирокчилар «Халқ сўзи» ва «Ishonch» газеталари

яти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Аъзам Ихтиёров. – Утган даврда бузилган ҳуқуқлари тикланган фуқароларга 400 миллион сўмга яқин моддий ва маънавий зарар ундириб берилган. Фуқаролар манфаатини кўзлаб, судларга 41 та даъво аризаси киритилиб, уларнинг асосий қисми қаноатлангиларилди. Жорий йилнинг олти ойидаги муносабатлар утган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 2 баравар кўп. Бу ҳам касба уюшмаларига ишончнинг ортганидан далолатдир.

– Касба уюшмаларининг асосий курали, бу жаммоа шартномалари, – дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Ғаллаорол тумани кенгаши раиси Абдулҳаким Шакарбоев. – Жаммоа шартномалари орқали амалга оширилаётган ишлар, рақамлар, тахлилий маълумотлар ҳар йили касба уюшма фаолларига етказилмоқда. Лекин бу маълумотлар, нафақат бирлашма, балки ҳар бир туман кенгаши, бошланғич ташкилотлар томонидан, ҳамма учун



тушунарли шаклда матбуотда, интернет нашрларида эълон қилиб борилса, фаолиятимиздан аҳоли янада кенгироқ хабардор бўлар эди.

– Мақолада келтирилгани каби кўпчилик корхона ва ташкилот ходимлари касба уюшмаларини фақатгина зарур ҳолларда моддий ёрдам берадиган, меҳнат таътили вақтида санаторийга ёки дам олишга йўланмага, фарзандларининг ёзги дам олишига ёрдам берадиган тузилма сифатида билиши рости, – дейди Агроев

лотлари Зафаробод тумани кенгаши раиси Матлуба Ҳакимова. – Аммо касба уюшмаларининг кенг қамровли фаолият хабардор эмас. Шу сабаб тарғибот ишларини янада кенгайтиришимиз лозим. Давра суҳбатиде иштирокчилар фаолиятдаги устувор йўналишлар, амалга оширилиши лозим бўлган ишларни тахлил этишди, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

Ижтимоий ҳимоя

Жорий ёзги соғломлаштириш мавсумида вилоятдаги 21 та стационар оромгоҳда 12 минг 500 нафар, 119 та таълим муассасаси қошида фаолият юритадиган кундузги оромгоҳларда 21 минг 100 нафар ўқувчини мароқли дам олдириш режалаштирилган. Бу борадаги ишлар изчил амалга оширилмоқда.


Йилнинг олти ойи давомида бирлашма кенгашига 550 га яқин муносабатларини билдирдилар.

– 2018 йил ва шу йилнинг ўтган 6 ойи давомида бирлашма кенгашига 550 га яқин муносабатларини билдирдилар.

Кун тартибидеги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ, «ISHONCH»

рида эълон қилинган «Ижтимоий ҳимоя сўзда эмас, амалда бўлиши керак» мақола-асосига ўз муносабатларини билдирдилар.



Ички туризм

Саёҳат таассуротлари бир олам

Тошкент вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан ҳудуддаги муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилувчи ходимлардан бир гуруҳи Хоразм вилоятига саёҳатга олиб борилди.

Хивадаги Ичан қалъа, Урганчдаги Авесто боғи, Жаловиддин Мангуберди мажмуаси саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди. – Утмишга бориб қолгандай ҳис қилдим ўзимни, – дейди Бўка туманидаги 29-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Г.Юсупова. – Қадимий обидалар, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилар эканман, беихтиёр қалбимда бой тарихимиз, буюк аجدодларимиз қолдирган бетакор меросдан фойдаланиш туйғуларини жўш


урди. Қолаверса, Урганч шаҳридаги «Хоразм Палас» меҳмонхонасидаги шарт-шароитлардан мамнун бўлдик. Бундай эътибор учун Давлатимизга ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига миннатдорлик билдираман.

Шаҳноза АҲМЕДОВА, Тошкент вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Фаолияти барчага намуна

Тошкент политехника музейида Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси тармоғида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир давомида иштирокчилар ва ғолиблар фаолиятини тарғибот қилувчи кўргазма ташкил қилинди. Ғолибларни тақдирлаш маросимида Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси А.Ҳаққулов мазкур тадбир корхона ва ташкилотларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги амалий ишларда бошланғич ташкилотларнинг эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.



Кўрик-танлов натижаларига кўра, тармоқнинг йирик (аъзолари сони 100 нафардан кўп бўлган) бошланғич ташкилотлари – Андижон вилоятидаги «ЎзСеМюнкo» МЧЖ кўшма корхонаси, Тошкент шаҳридаги «Ўзэлектрoаппарат-электрo-

шит» АЖ, Фарғона вилоятидаги «UZSUNGWOO» МЧЖ кўшма корхонаси юқори балларни қўлга киритди. Аъзолари сони 100 нафардан кам бўлган бошланғич ташкилотлар – Наманган вилоятидаги «Автосаноат Пласт» МЧЖ кўшма корхонаси, Фарғона вилоятидаги «FERAE» МЧЖ ва Навоий вилоятидаги «UzEraeCable» МЧЖ кўшма корхонаси ҳам юқори натижаларни қайд этди.

Танлов ҳайъатининг ҳулосига кўра, Андижон вилоятидаги «ЎзСеМюнкo» МЧЖ ва Навоий вилоятидаги «UzEraeCable» МЧЖ бошланғич ташкилотлари биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Ғолибларга эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Шодия АЮПОВА, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси

Қашқадарё вилояти

Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармасида 100 нафардан ортиқ ходим ишлабди. Уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, муносиб шароит яратиш борасида бошқарма раҳбарияти ва касба уюшма қўмитаси биргаликда амалга ошираётган ишлар таҳсинга лойиқ. Касбақўям етакчиси Шоира Ҳайдарова фаол ва жонқуяр аёл.

2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида раҳбарият эътиборига ҳавола этилган масалалар ва кўтарилган муаммоларнинг барчаси ҳал этилди. Яъни уч нафар техник ходимнинг ойлик маоши кўтарилди, икки нафар ходимга фарзандининг тўйини ўтказиш учун моддий ёрдам кўрсатилди. Кун бўйи компьютер қарши-сида ўтирадиган ходимлар бор. Уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ташкилотда «Ходимлар гимнастикаси» йўлга қўйилган. Ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун ишловчи

эркакларга сунъий қопламали футбол майдонига, хотин-қиз-

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 5 нафар ходимга сўлим сихатгоҳларга, ходимларнинг 6 нафар фарзандига ёзги оромгоҳларга йўланмалар берилди. Апрель ойида жаммоа аъзоларининг қадимий ва навқирон Хива шаҳрига саёҳати ташкиллаштирилди. – Яқинда «Зомин» сихатгоҳида

вақти билан моддий ёрдам ажратиб, мушкуллимизни осон қилмоқда. Жонқуяр касбақўям раиси ижтимоий ҳимоя тадбирларини амалга оширишда бошқарма ва унинг туман бўлимлари билангина чегараланиб қолмайди. Халқ ичига кириб, кам таъминланган қатлам вакиллари ҳолидан хабар олишга ҳам

жоат, эзгуликка лиммо-лим қалб онасидан ўтган. Чунки Шоира опанинг онаси Талъат Ғаффарова Қарши давлат университети профессори. Ўқувчиларнинг бир нечта дарслик китоблари муаллифи ҳисобланган оlima аёл 76 ёшида ҳам олий ўқув юртида ёшларга илм улашаётир. Шоира опанинг икки қиз, бир ўғли бор. Ўғли Умид Умаров пойтахтда «ENTER engineering» компаниясида ишлабди. Қизи Чарос инглиз тили ўқитувчиси. Шаҳноз эса давлат идорасида хизмат қилапти. Яқинда Шоира Ҳайдарова хизмат қиладиган муассаса вилоятда «Энг намунали бошланғич ташкилот» деб топилди. – Саъй-ҳаракатлар ҳеч қачон эътибордан четда қолмаслиги яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Бу рағбат бизга янада куч ва ғайрат беради, – дейди касбақўям етакчиси.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»

Сўзи ва иши бир аёл

ларга эса сузиш бассейнига имтиёзли чипталар олиб берилди. Шу йилнинг май ойида эса ходимлар ўртасида шахмат-шашка мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ҳафтанинг жума кунини «Маънавият соатлари» ташкил этиб борилаётир.

дам олиб келдим, – деди бошқарма ходими Тўйғун Расулов. – Зарур пайтда йўланма билан таъминланган касба уюшмасидан миннатдоримиз. – Уч нафар фарзандимни отасиз ўстиряпман, – дейди ходима Назира Каримова. – Касба уюшмасига раҳмат. Болаларимга ўқув қуроллари олиб бериб, вақти-

вақт топа олади. Жумладан, Наврўзи олам муносабати билан бошқарма ходимлари ҳимойидаги деҳқонobodлик Маҳфуза Утназарова, қосонлик Шавкат Ибодова ноғиронлик аравачаси совға қилинди. «Хотира ва қадрлаш кунини» арафасида бир нечта эҳтиёжманд оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди. Етакчига бундай ғайрат-ши-

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳрида яшовчи Арофат Тўлашова ўн олти йил мобайнида Чилонзор педагогика коллежида ўқувчиларга тил ва адабиёт фанидан дарс берди. Аммо тақдир экан, овоз пайчаларининг сурункали ялғиланиши касаллигига чалиниб, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида доимий даволанишга мажбур бўлди.

Касба уюшмаси кўмагида...

Кўнгилда уйғонган ишонч

Хасталикнинг келиши осон, кетиши қийин. Оила аъзолари, қариндошлари кўмак берди. Аммо кўндан берганга қуш тўймас, дейдилар. Доимий муолажалар опани чарчатиб қўйди. Шундай кунларнинг биринида шифохонада бир гап эшитди: касб касаллиги учун товон пули тўланар экан.

Арофат Тўлашова унга оиднилик киритиш учун 2019 йил 15 февралда Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгашига мурожаат қилди. Касба уюшма ташкилотининг вазифаси ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Мазкур масалага келсак: Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларида чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига биноан Арофат Тўлашовага компенсация тўлиниши шарт.

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши аппаратининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудирини Равшанхон Маҳаммадалиев Чилонзор педагогика коллежида бўлиб, тафсилотларни батафсил кўриб чиқди. Ҳолатга оиднилик киритилганда, Арофат Тўлашованинг ўз хоҳишига биноан лавозимидан озод этилгани, 2017 йилдан 2018 йилгача унга касб касаллиги туфайли 25 фоиз миқдорда товон пули тўлаб келингани, 2018 йилдан тўлов номаълум сабабларга кўра тўхтатиб қўйилгани аниқланди.

Масала юзасидан коллеж маъмуриятини тушунтириш сўралганда, «шубҳ тўловни амалга оширишнинг иложи йўқ, бунга асос ҳам йўқ» деган жавоб олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тўланиши лозим, деган мазмундаги мурожаатдан сўнг коллеждан «Даъвогар тўловни Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Юнусобод тумани филиалидан, яъни доимий турар жойидан олиши лозим» деган жавоб келди.

Бирлашма мутахассислари Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Юнусобод тумани филиали билан боғланди. Улар билан салкам 3 ой мобайнида олиб борилган музокаралар натижасида масала ижобий ҳал этилди: жорий йилнинг май ойида жабрланувчи ҳисобига 1,7 миллион сўм ундириб берилди, қолган қарздорлик эса ойма-ой тўлаб борилишига келишилди. Бугун Арофат опа билан суҳбатлашсангиз, касба уюшмаларидан қанчалар миннатдор эканлигини эшитасиз. Энг муҳими, унинг қалбига адолатга ишонч уйғонган. Кўнгилда ишонч мустаҳкам бўлар экан, хасталик ҳам чекинади.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «ISHONCH»

Фарғона вилояти

Ишга тикланди, маоши ундирилди

Фарғона шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимаси Гўлноза Турдиматова вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, мурожаат қилди.

Аниқланишича, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг бош ҳисобчиси лавозимида ишловчи Г.Турдиматовага 2015 йил 6 январдан шу йилнинг 10 май кечигача 106 кунга тўғишдан олдин ва туғишдан кейин меҳнат таътили ҳамда фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар бола парваришлаш таътили берилган.

Г.Турдиматова 2018 йил 16 февраль кунини фарзанди уч ёшга тўлгунга, ўз иш жойига қайтишни сўраб марказ директори номига ариза берган бўлса-да, иш берувчи уни ўз лавозимига ишга қўймаган.

Фуқаро Г.Турдиматованинг манфаатини кўзлаб, ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган даври учун ўртача ойлик иш ҳақи ундириш ҳақида Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Адолат қарор топди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, Г.Турдиматова марказ бош ҳисобчиси лавозимига ишга тикланди, унга мажбурий бекор юрган даври учун 4 млн. 799 минг сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Авазжон ТўРАХҲУЖАЕВ, Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи юристконсулти



тик ва пребиотик қўшимчалар билан бойитилган бўлиши лозим. Товуқларни касалликлардан асраш учун антибиотиклар, вакциналар ишлатилади.
– Юртимизда кейинги пайтларда бу борада ҳам изланишлар, тадқиқотлар олиб борилиб, яхши натижаларга эришилмоқда, – дейди ветеринар-шифокор Абдулхамид Мавлонов.
– Хусусан, паррандаларни антибиотикларсиз, бойитилган озуқалар билан парвариш қилиш орқали тўла-тўқис соғлом, сифатли гўшт олишга эришилмоқда. Мисол учун «Yik Ota et» МЧЖда ана шундай ем ва озуқа маҳсулотлари тайёрланмоқда.

БИРЖА САВДОСИДАГИ МУАММОЛАР

Товуқчилик билан шуғулланаётган фермерлар ва паррандасаноат уюш-

малиги шу каби қатор муаммолар туфайли ўз фаолиятини тўхтатган эди. Бундай ҳолатларни ҳар бир вилоят мисолида айтишимиз мумкин.
– 2017 йилда фермамизда 250 мингта туҳум етиштиришга ихтисослашган «Декалб» зотли товуқлари бўлган бўлса, бугунги кунга келиб улар 150 мингтага қисқарди, – дейди Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги «Сардор Баҳром зоо» фермер хўжалиги бош мутахассиси Баҳромжон Иномов.
– Сабаби, озуқа маҳсулотларининг таннархи қиммат бўлиб, 2017 йилда фермамиз зарар билан чиқди. Паррандачилик ривожини учун олинган банк кредитини қайтариш муаммога айланган.

Шу соҳада кўп йилдан бери ишлаётган мутахассис сифатида бизни ва кўпчилик фермерларни қийнаётган муаммолардан бири, бу темир йўллар тизимидаги нарх-наволардир. Фермамизга Болтиқбўйи давлатларидан озуқа олиб келамиз. Одатда товуқчиликда хориждан буғдойнинг озуқабоп 4-синф навини олиб келишда 35 фоизли чегирма бор. Қолган озуқа емларини олиб келишда эса чегирмалар йўқ. Масалан, Беларусь, Россия ва Қозғистон орқали Ўзбекистон чегарасигача тахминан 2000 км. масофани босиб ўтиб келадиган бир вагон парранда еми учун 13 миллион сўм миқдорда йўқлира тўланади. (Бу тўловни харидорлар тўлашмайди, маҳсулотни сотаётган томон қоплайди). Келес чегара постидан Тошкентга 5,5 миллион ёки Келес чегара постидан Наманган вилоятига эса тахминан 11,5 миллион сўм йўл ҳақини эса биз харидорлар ўзимиз тўлаймиз. Бу нарх, албатта, қимматлик қилади, чунки хориждан келтирилган маҳсулотга ҳам тўлов қилишимизни инобатга олинган бўлиши, бу жуда катта маблағга айланади. Қолаверса, парранда озуқасидаги буғдойдан иборат эмас. Беларусьдан чегарадан келтирилган вагон харажати нисбатан, Ўзбекистоннинг ичидagi масофа ва харажатни солиштирганимизда эса икки баробар эмас, уч-тўрт баробар катта тафовут юзага келади.

Мамлакатимизда оммабоп тарзда туҳум йўналишида Ломани (Германия), Декалб (Нидерландия), Хай-лайн (АҚШ) зотлари, гўшт йўналишида (бройлер) эса Росс – 308 (Буюк Британия), Кобб – 500 (АҚШ) зотлари кенг тарқалган.

Тадбиркорликка кенг йўл берилаётгани ҳақида фахр билан гапирилаётган бир пайтда нега «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан белгиланган бундай нархлар қайта кўриб чиқилмапти?
Республика «Паррандасаноат» уюшмаси соҳа ривожига катта тўсиқ бўлиб турган бу каби муаммоларга ечим сўраб, тегишли ташкилотларга таклифлар билан чиққан, аммо нәгадир, бу таклифлар шу кунга қадар эътиборсиз қолдирилмоқда.

Халқимиз товуққа «Етти хазинанинг бири» дея таъриф берган. Рўзгорнинг бир томонини кўтариб келган паррандачилик бугун саноат миқёсда ривожланиб, эл фаровонлигини таъминлашда муҳим тармоққа айланмоқда. Шундай пайтда эса халқимизнинг яна бир нақли ёдга тулади: бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак. Бугун ана шу «дон-у сув» қимматга тушмоқда. Бу ҳолатларга мутасаддилар нима деркин? Бу бугун кўлаб тадбиркор ва фермерларни қизиқтираётган саволлардан биридир.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»



«Сувни тежайдиган технологияларнинг афзалликлари» танловига

Томчида ҳаёт Жилваси



Оролбўйида обиҳаётдан оқилона ва самарали фойдаланишнинг янги ва замонавий усулларини амалиётга татиқ этишни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Бунда томчилик сўғориш технологиялари энг мақбул усуллардан биридир.

Президентимизнинг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилик сўғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистонда қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Жорий йилда воҳанинг бешта туманида 399 гектар майдондаги пахта далаларида томчилик сўғориш технологиялари жорий этилди. 27 та фермер хўжалигига «Агробанк» томонидан 7 млрд 36 млн сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Томчилик сўғориш технологиясини қуриб берувчи пудратчи ташкилотлар фермерларга ўзларининг хизматларини таклиф этиш баробарида янги усулда хомашё етиштиришнинг сирларини ўргатмоқда.

«OMAD START» МЧЖ раҳбари Нажимиддин Раҳимовнинг таъкидлашича, томчилик сўғоришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига яраша шароити мавжуд. Хусусан, Қорақалпоғистонда лойқа сувни тиндириб бериш ва филтрдан ўтказиш жараёни талаб этилади. Шу сабаб ҳар бир фермер учун алоҳида мослашган лойиҳалар ишлаб чиқиш зарур.

Ушбу жамият мутахассислари шу кунгача Қорақалпоғистондаги 15 та фермер хўжалигининг 221 гектар майдондаги пахта хомашёсини асосида ишлайдиган томчилик сўғориш ускуналарини ўрнатишга эришди. Келгуси уч йилда томчилик сўғориш технологиясини 70 фоизгача маҳаллийлаштириш режалаштирилмоқда.

– Томчилик сўғориш усули бизга кенг имкониятлар яратиб бермоқда, – дейди Эллиқалъа тумани ҳокими ўринбосари Давлат Қобулов. – Тежалган сув ҳисобидан деҳқонларимиз галладан бўшаган майдонларга картошка, қарам, сабзи, тарих, мош ва шולי каби иккиламчи экинларни экипти.

Томчилик ва ёмғирлилик сўғоришнинг тежамкорлик хусусиятлари ва афзалликлари – кам харажат, энгил меҳнат билан сувни 60 фоизгача тежаб, ҳосилдорликни 20 фоизга ошириш фермерларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Келгуси йилда томчилик сўғориладиган майдонлар қўламини икки бараварга кўпайтириш режалаштирилмоқда, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазириги мутахассиси Абу Қидирбаев.

– Томчилик сўғориш технология-

сидан фойдаланаётган пахта хомашёсини етказиб берувчи фермерларнинг ҳар бир гектар ерига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 8 млн. сўмдан субсидия берилиши янги усулда ҳосил етиштиришга бел боғлаган деҳқонлар меҳнатида энгиллик бўлиб қўшилмоқда.

Қорақалпоғистонлик фермерларга томчилик сўғориш технологияларини қуриб беришда «Камронбек Мега Строй» ва «OMAD START» масъулияти чекланган жамиятлари ўз хизматларини таклиф этмоқда. Воҳада ер, сув ва об-ҳаво шароитлари бирдек бўлишига қарамастан, фермер хўжаликларининг ҳар бир гектар ерига қуриб берилаётган томчилик сўғориш мосламалари сарф-харажатларида анчагина фарқлар бор. Масалан, Хўжайли туманидаги «Хўжайли бақсей» фермер хўжалигининг 8 гектарлик пахта майдонда томчилик сўғориш ускуналарини ўрнатиш учун 128 млн. сўм, яъни ҳар бир гектар ерга 16 млн. сўмдан маблағ кетган бўлса, Амударё туманидаги «Удойбергенова Омонгул» фермер хўжалигининг 30 гектарлик пахта даласи учун 600 млн. ёки ҳар бир гектар майдонга 20 млн. сўмдан сарф-харажат қилинган. Шунга ўхшаш ҳолатларни Беруний, Тўртқўла ва Эллиқалъа туманлари мисолида ҳам келтириш мумкин.

Пахта хомашёсини ишлаб чиқарувчиларига томчилик сўғориш тизимларини қуриш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасидан бир гектарига 20 млн. сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизли пункти миқдорда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, 2021 йилнинг 1 январига қадар, томчилик сўғориш технологиясини жорий этиш учун зарур бўлган бутловчи қисмлар ва хомашё олиб киришда божхона тўловларидан озод этилиши ҳам тадбиркорларга берилаётган энгилликлардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз агросаноат соҳасида татиқ этилаётган инновацион усуллар эрта-индин ўз самарасини бериши аниқ.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«ISHONCH»

Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак

Ёхуд паррандачилик саноати учун қимматга тушаётган «дон-сув» муаммоларига жавоб излаб...

ГЕНЕТИК МОНОПОЛИЯ ВА ҚАРАМЛИК

– Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам товуқ гўшти ва туҳум етиштириш етакчи тармоқлардан бирига айланмоқда, – дейди «Паррандасаноат» уюшмасининг паррандачиликда ветеринария хизмати ва илмий муассасалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Ҳакимжон Нормухамедов. – Бироқ соҳада асосий зотли паррандалар юртимизга генетик (Genetika – организмнинг насл-насаби ва ирсий қонунлари фани) инженерисии ривожланган йирик импортёр мамлакатлар – АҚШ, Голландия, Германия, Буюк Британия, Венгрия ва Россия каби давлатлардан келтирилади. Яъни бу давлатлар товуқнинг маҳсулдорликка жавоб берувчи генини ўзгартириш орқали парранда маҳсулдорлигини бир неча баробар оширишга эришган бўлиб, ўзларида насли бройлер товуқларининг биринчи авлодини яратиб, иккинчи насли ота-она авлодини хорижга экспорт қилишади. Мамлакатимизга келган иккинчи насли ота-она авлод жўжаларини ниҳоятда эҳтиёт-

иккинчи насли ота-она авлод бройлерлари келтирилади. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда паррандачилик саноати ривожини ва фаолиятини мунтазам равишда хориждан келтирилган насли товуқлар, озуқа емлари ва озуқавий компонентлар импортига мутож.

Насли товуқларни етиштириш генетик технологиясини ривожланган давлатлар бу борадаги илмий тадқиқотлар ва амалий ишларга миллиардлаб пул маблағлари сарфлаган. Эндиликда эса унинг ортидан катта фойда кўришмоқда. Мазкур давлатларнинг генетик компаниялари дунёда ўз монополиясини ўрнатган. Улар ҳеч қачон генетик технологиясини сирларини очиб бермайди ва сотишмайди. Бизда ҳам бундай генетик технология устида ишланиши учун жуда катта маблағ ва кадрлар керак бўлади. Умид қиламизки, келгусида мамлакатимизда ҳам бу борада яхши натижаларга эришилади.

400 ХАВФ-ХАТАР ҚАРШИСИДА

Мамлакатимизда оммабоп тарзда туҳум йўналишида Ломани (Герма-

маси вакиллари билан суҳбатлашганимизда шу нарса маълум бўлдики, республикамизда товуқлар озуқасининг 80-90 фоизи хориждан келтирилади. Демак, таннархи қиммат. «Паррандасаноат» уюшмаси томонидан паррандачилик хўжаликларининг белгиланган тартибда дон маҳсулотларини сотиб олиш бўйича биржа савдоларида иштирок этиши таъминланган. Бироқ шу кеча-кундузда Республика товар ва хомашё биржаси орқали паррандачиликда асосий озуқа буғдой маҳсулотини сотиб олаётган фермерлар спирт маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар билан биргаликда харидор сифатида талабномани киритаётганлиги боис буғдойни қиммат нархда сотиб олмоқда. Айни пайтда буғдой мавсумида биржа орқали 1 кг. буғдой 1 500 сўмга харид қилинаётган бўлса, мавсумга қадар 2 100 сўмдан сотиб олинган. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу пайтлари буғдойга паррандачилик фермалари алоҳида, спирт маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар алоҳида талабномани киритганлиги боис, 1 кг. буғдой нархи биржа орқали 900 сўм атрофида сотиб олинган.

ҚИСКАРАЁТГАН ФИРМАЛАР ВА ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛАЁТГАН ТАКЛИФ

Айни вақтда республикамизнинг турли вилоят ва туманларида фермерлар буғдой таннархи ва харажатларига муаммога учраб, фаолиятини қисқартирмоқда. Масалан, Самарқанд вилоятидаги «Амонбобо» товуқчилик фермер хўжалиги фаолиятини тўхтатган бўлса, «Самарқанд парранда» масъулияти чекланган жамиятида паррандалар озуқа тақчиллигидан қисқаришга учрамоқда. Озуқани хориждан олиб келиш мумкин. Аммо уларнинг нархи мамлакатимиз вилоятларига этакзиб келиши йўқлиги харажатлари ҳисобига, қўрадан фойдадан ошиб кетмоқда. Натияжада товуқлар сўйиб юборилмоқда. Бундан олдин ҳам Қўнраб туманидаги йирик паррандачилик хў-

Беларусь, Россия ва Қозғистон орқали Ўзбекистон чегарасигача тахминан 2000 км. масофани босиб ўтиб келадиган бир вагон парранда еми учун 13 миллион сўм миқдорда йўқлира тўланади. (Бу тўловни харидорлар тўлашмайди, маҳсулотни сотаётган томон қоплайди). Келес чегара постидан Тошкентга 5,5 миллион ёки Келес чегара постидан Наманган вилоятига эса 11,5 миллион сўм йўл ҳақини эса биз харидорлар ўзимиз тўлаймиз.

корлик билан, юқори зооветеринария талаблари, гигиеник тозаллик ва меъёларига амал қилинган ҳолда парваришланган, бир бош бройлер товуғидан йилга 120 донагача бройлер жўжаси олиш мумкин. Фермерларимизга фойда келтирадиган ана шу иккинчи насли ота-она авлод ва учинчи бройлер жўжалари бўлиб, улар 38-42 кун ичида 2 кг.гача тирик вазн йўғади.

Аммо учинчи авлод товуқларининг туҳумидан очилган жўжалар бундай насли хусусиятларини сақлаб қололмайди, уларнинг туҳумини ейтиш мумкин, бироқ озуқаси нисбатан берадиган гўшти ўзини оқламайди. Натияжада, яна хориждан

ния), Декалб (Нидерландия), Хай-лайн (АҚШ) зотлари, гўшт йўналишида (бройлер) эса Росс – 308 (Буюк Британия), Кобб – 500 (АҚШ) зотлари кенг тарқалган.

Улар Ўзбекистонга келтирилгач, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан боқиб парваришланади. Бироқ товуқ жуда нозик жонзот бўлганлиги боис, салгина нотўғри озиклантириш, мўътадил бўлмаган об-ҳаво шароити еки нотўғри зооветеринария гигиенаси ҳам уларнинг қирилиб кетишига, инфекциялар билан касалланишига олиб келади. Товуқ учун иқлим, озуқа ва гигиеник жиҳатдан атрофда 400 хилдан зиёд хавф-хатар соя солиб туради. Ана шу хавфлардан сақлаш учун уларнинг озуқалари витаминларга бой, преби-

«Auto Gold Grant» МЧЖ Тошкент шаҳри филиали очик аукцион савдосига таклиф этади!

«Агробанк» АТБ Тошкент вилояти бошқармасининг 2019 йил 10 июлдаги буюртма-савдосига мувофиқ, бошқармага тегишли Тошкент шаҳри, АҚДорий кўчаси, 9 уйда сақланаётган қуйидаги автопартирпорт воситаси 2019 йил 16 август кунги соат 11:00да филиал манзилида ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилмоқда: «Cobalt» р-ли, 2014 й.и/ч, кулранг, д/б 01/504GDA, т/н, б.б. 30530000 сўм. Мазкур автопартирпорт воситаси билан бошқарма вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Агарда ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2019 йил 3 ва 18 сентябрь кунлари бўлиб ўтади. Савдо ғолибига 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача (соат 13:00-14:00гача тушлик) қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «закалат тўғрисидаги келишув»га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусخаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ва қўшимча кўрсатилган хизматлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда тўлов «Auto Gold Grant» МЧЖнинг Тошкент шаҳар филиалига «Ипак йўли банк»нинг Миробод филиалидаги 2020 8000 2004 2284 9001 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИИН: 303136943 тўлашлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш ва савдонинг ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 2Б. Телефон: (93)594-93-88.

Ҳувоҳнома №05791.

«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига «QO'QON PAXTA TOZALASH» А/Н нинг 12.07.2019 йил кунги №01/354-сонли буюртма хатига асосан жамиятга қарашли Қўсон шаҳри, Темир Малик кўчаси, 83-уйда жойлашган режа бўйича: 0011, 0014, 0015, 0016, 0017, 0018, 0020, 0021, 0022, 0023, 0024, 0025, 0026, 0027, 0042, 0101, 0102, 0130, 0131, 0132, 0133-литерлардаги бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 370 457 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йилнинг 19 август кунги соат 14:00 да бўлиб ўтади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 16 август соат 16:00.

II. Аукцион савдосига «BAG'DOD PAXTA TOZALASH» А/Нинг 15.07.2019 йил кунги №16/168 сонли буюртма хатига асосан, жамиятга қарашли Бағдо тумани, «Иргили» МФЙ, Дашт худудига жойлашган «Мустаккилик» пахта тайёрлов маскани бино ва иншоотлари бир қисми қўйилмоқда. (0018-литер, 0022-литер ва 0019-литердаги девор, бир қисми (529 метр) бошланғич баҳоси – 316 550 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йилнинг 21 август кунги соат 14:00 да бўлиб ўтади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 19 август соат 16:00.

Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун – дав-

лат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги вақил қатнашган тақдирда, шунингдек, тўлиқ вақолатли вақилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортининг нусхаси, савдода тўлиқ вақолатли вақил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ вақолатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-соти шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига закалат келишув шартномасига асосан ўтказишлари шарт. Х/Р: 2020 8000 5004 3360 1001. МФО: 00445. «Капиталбанк» АТ Тошкент шаҳри, филиали СТИР: 303179580. ОКОНХ:84300.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Сохиқбирон Темир кўчаси, 45-уй, 3-қават. Телефон: (99895)402-54-75. www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

Лицензия RR-0225.

Эълонлар

International House-Tashkent академик лицензия билан 2018 йилда Султанов Отабек Абдураҳимовичнинг ўғли номига Беруний ЛН9348166 рақамли диплом йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Олмазор тумани ҳокимлиги «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш» инспекцияси томонидан 2011 йил 5 июль кунги №003027-05 рўйхат олиш рақами билан қайта рўйхатдан ўтган «USMON SARDOR» хўсусий корпораси мулкчилик шакли олинган корпорасига ўзгартириш муносабати билан «USMON SARDOR» олинган корпораси «USMON SARDOR» хўсусий корпорасининг фарқи ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Мурожаат учун тел: 93-560-42-03.

Тошкент шаҳри ДАН томонидан 04.08.2001 й.да Сиддиков Хамитович Султанович номига Беруний ААА № 0110332 рақамли қий-довалик ҳуқуқномаси ҳамда 839542 рақамли талон йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Қорақалпоғистон қасаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши жамоаси бирлашма кенгаши Раёсати аъзоси

Елмурат ЖАҚСИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таязия ихзор этади.

Ўзбекистон – Туркия:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЙДИН ИСТИҚБОЛЛАРИ

– 2016 йил июль воқеаларида Туркия халқининг жипслиги ва Президент Режеп Таййип Эрдуғон сиёсатини яқдил қўллаб-қувватлашига гувоҳ бўлдик. Айтинг-чи, бу яқдилликнинг асосий сабаблари нимада эди?

– Ўшанда Туркия халқ қахрамонлигини кўрди. Агар халқ, ўз уйдан кеч бўлса-ди, кўчаларга чиқмаганда эди, бугунги зафарлар бўлмас эди. Халқ ва давлат ўша кеча бир кучга айланди.

Туркияда 1961,1980, 1997 йилларда ҳам худди шундай ҳарбий кучлар хуружлари бўлган. Улар барчасида мақсади етган. Лекин бу гал 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонлар кўчага чиқди. Танклар йўлини тўсдилар. Амалдаги давлатни асраб қолиш учун, тинчлик ва барқарорлик учун. Бу халқ иродаси демократиянинг ёрқин кўриниши сифатида дунё тарихига ёзилажак. Бунга ишончим комил.

– Демократия ҳақида сўз кетганда, яқинда Истанбул шаҳри ҳокимлиги учун бўлиб ўтган сайловлар ҳақида сўз юритиш ўринли. Ушбу сиёсий жараёнлар дунё жамоатчилигининг эътиборига тушди. Айни пайтда вазиятни сиёсатчилар турлича баҳоламоқда. Сиз бунга қандай изоҳ берасиз?

– Айтаманмики, Туркияда демократия кучли. Турли сиёсий кучлар, партиялар ўз қараш ва тарафдорларига эга. Ҳуқуқлари қонун бўйича кафолатланган.

Дастлаб Истанбул ҳокимлиги учун бўлган сайловлар якуний натижаси 31 март куни эълон қилинди. Икки номзод деярли бир хил овоз тўплади. Олий сайлов кенгаши қайта сайлов ўтказди.

Кейинги сайловда Халқ республикаси партияси вакили Ақром Имомўли голиб чиқди. Унга собиқ бош вазир Биноли Йилдирим рақиблик қилган эди. Ақром Имомўлини биринчилардан бўлиб Президент Режеп Таййип Эрдуғон табриклади. Қолаверса, уни Биноли Йилдирим ҳам ғалаба билан муборакбод этди. Бу – демократия. Халқ иродаси. Унга ҳеч ким қаршилик қила олмайди.

Мен дунёнинг 70 тадан ортиқ давлатида бўлганман. Уларнинг ҳар бирини ўз давлатим билан солиштирганман. Хулосам шунки, Туркия демократияси ўзига хос институт. Биз бу билан фахрланамиз.

– Сўнги йилларда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Бунда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдуғоннинг сиёсий иродаси, қатъияти ҳал қилувчи вазифани ўтади. Яъни

икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги дўстона алоқалар, самимий мулоқотлар ўзаро ҳамкорлик ривожига катта туртки бермоқда. Мана шу аъло даражадаги муносабатлар натижалари бугун нималарда яққол кўринмоқда?

– Дарҳақиқат, кейинги йилларда икки давлат ўртасидаги муносабатлар тубдан яхшиланди. Борди-келдимиз кучайди, ўзаро ришталар янада мустақамланди. Биргина мисол келтирмоқчиман: бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ҳали бу етарли эмас. Президентларимиз ўртасидаги учрашувда уни 5 миллиард АҚШ долларига етказишга келишилган. Айни вақтда Ўзбекистонда 500 нафардан ортиқ тадбиркорларимиз фаолият кўрсатмоқда. Бироқ биз буни ҳам етарли, деб ҳисобламаймиз. Уларнинг сони янада ортиши, энг муҳими, Туркияда ҳам Ўзбекистон тадбиркорлари иш бошласа, ана шундагина кўзланган мақсад сари муҳим қadam ташлаган бўламык. Ишончим комилки, бунга, албатта, эришамиз.

– Жабарингиз бор, Ўзбекистонда бу йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб номланган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев барча соҳаларда инвестиция масаласини ўртага қўймоқда. Туркияда бу йўналишдаги ишлар қандай даражада? Ўзбекистонда қайси соҳалар инвестиция киритиш учун истиқболли, деб ҳисоблайсиз?

– Ўзбекистон Туркия учун энг қулай иқтисодий ҳамкор ҳисобланади. Биринчидан, Ўзбекистон иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлардан бири. Иккинчидан, бу заминда табиий бойликлар жуда кўп. Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги – 33 миллионлик аҳолиси. Ишчи кучи етарли. Инвестиция киритиш учун энг қулай давлатлардан бири. Шу сабабдан Туркиядаги ишбилармонларга Ўзбекистонга келиш ва сармоя киритишга даъват этилган.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Фирқимча, бунда зиёрат туризмнинг ўрни катта. Нафақат Туркия, балки Малайзия, Индонезия, Араб давлатлари, умуман, ислом олами учун Ўзбекистон энг муҳим зиёрат маскани ҳисобланади.

– Ўз вақтида Маҳмуд Кошғарий шундай деган: «Ума

келса, қут келар» («Меҳмон келса, қут келар»). Туркия – туризм ривожланган давлатлардан бири. Ўз тажрибаларингиз билан ўртоқлашсангиз. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун яна нималар қилиш керак, деб ҳисоблайсиз?

– Бундан 30 йил олдин Туркияда ҳам туризм соҳаси ривожланмаган эди. Ўшанда Туркия икки жиҳатта эътибор қаратди: биринчиси, туризм соҳасида мактаблар очди. Бунда таълим олувчиларга меҳмонларга хизмат кўрсатиш, қабул қилиш, кузатиш каби соҳалар ўргатилди. Иккинчиси, хусусий секторга, яъни ишбилармонлар ва инвесторларга кенг имконият яратди. Дикқатга сазовор жойларга меҳмонхоналар қурди. Туризмнинг барча йўналишлари – денгиз туризми, зиёрат туризми, киш туризми ривожлантирди. Янги йўналишлар очди. Ҳар бир йўналишда хизмат кўрсатувчи мутахассисларни тайёрлади.

Мен бир йилдан ортиқ вақт мобайнида Ўзбекистонда фаолият юритиб, кўп нарсаларни кузатиш имконига эга бўлдим. Уларга асосланиб айта оламанки, туризм ривожига бир қанча муаммолар бор. Масалан, меҳмонхоналар сони етарли эмас. Хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг малакаси ҳақида ижобий фикр билдириб бўлмайди. Мана шу омилларга эътибор қаратилса, сайёҳлар сони янада ортади.

– Маълумки, Туркия таълим соҳасида катта ютуқларга эришган. Сиз Ўзбекистондаги таълим соҳасидаги ислохотларни кузатиб бораётган бўлсангиз, холис кузатувчи сифатида уларга қандай баҳо берасиз?

– Туркияда бугунги кунда 200 тадан ортиқ университет бор. Уларнинг ярми вақф (фонд), ярми хусусий ҳисобланади. Яъни уларнинг 100 дан ортиги хусусий университетлардир. Туркиядаги барча университетлар Туркиянинг ўзига тегишли, бошқа давлат олийгоҳларини Туркияда очиб мумкин эмас. Ҳозирда жаҳоннинг 500 та университети рейтингда Туркиянинг 12 та университети юқори ўринларда туради. Дунёдаги энг яхши 1000 та университет орасида эса 26 та университетимиз бор.

Яна бир муҳим жиҳат: Туркияда Олий таълим вазирлиги йўқ. Барча университетлар мустақил. Улар ўзини ўзи бошқаради. Олий таълим бир тизимга бирлашган. Дейлик,



Навқирон ва очилиб кетган Оврүпа вагон деразасидан оқсоқ, букчаган кампир Осиёга бурнини жийриб боқарди. Бундай ҳолат ҳар иккиси учун ҳам мангу давом этадигандай туюлди. Ажин босган алвасти бир замоналар кудратли ва кибрилли гўзал бўлганлигига ёш, чиройли манман зотнинг ишониши қийин бўлди. Аммо Оврүпа сотиш учун поездаги олиб чиққан кўп зеб-зийнатлар қачонлардир Осиёнинг нозик бўйини безаб турар, унинг жарангли нутқини Миср мўйсифидлари ва Қадимий Юнонлар эшитганди.

Фан эса кўчманчиларни аямасди. XIX асрнинг йиртиқ-ямоқ ўтовлари, ифослик ва қашшоқликлари Оврүпа олимларида шундай ёмон таассурот қолдирдики, Дашт ва Оврүпа орасида қадимда маданий алоқалар бўлганлиги ҳақидаги фикрнинг ўзини олчочлик ҳисоблай бошлади.

Г.Потанин турк-мўғул дostonларининг Фарбий Оврүпа эпосларига таъсирига бағишланган китобида кўчманчи турмуш тарзи маданиятини тараққиётда ўрганишга уринар экан, барча халқлар тарихи чизмаси тўлқинсимон бўлишига ишора қилади. Бу чизмада маданий сакраш ва чекиниш даврлари акс этади. Аммо расмий фан бу китобни шунчаки «кўрмай» қўя қолди. Ҳатто ундаги фикрларни инкор этишни ҳам ўзига эъ билмади. Рост-да, қандай қилиб «Роланд ҳақида кўшиқ»ни мўғул дostonи билан ёнма-ён қўйиб қиёслаш мумкин? Бу худди Луврни ўтов билан қоғиштиришга ўхшайди-да.

Бу дамда археология Оврүпа маданияти тарихига ойдинлик киритувчи далилларни қидириш билан овора эди. Икки дарё ораллиги (Инжил тепаликлари) кўрғонларига бўлган қизиқиш ҳам ана шундан.

Полтава жангидан сўнг Сибирга сургун қилинган швед зобити тасодифан топиб олган Ўрхун-Энасой ёзувлари ёдгорликлари эса икки юз йил давомида ўз тадқиқотчиларини кутиб ётди. Фақат фан олимлари Сибир руник ёзувлари фин ўтмишига дохил

бўлиши мумкин, деган хулосага келгунига қадар.

Енисей (Энлисей) ва Ўрхундаги тошбитиклар Скандинавия тошбитикларига ўхшарди. Скандинавияда макон тутган қавмлардан фақат финларгина Осиёдан бу ерларга келиб қолган. Балки шимолга тошбитикларни шулар олиб келганми? Сибир ёзувлари ёдгорликларининг дастлабки атласларини нашр этишди. Скандинавиядаги барча географлар

кий ёзув ҳеч қандай синчков таҳлил ва қиёсий тадқиқларисиз шошилич тарзда эронликлардан ўзлаштирилгани эълон қилинди ва дарров қўл силташди. Бунинг устига мазкур фараз кўчманчи Осиёга оид илмий қарашларга мос тушгани учун ёзувнинг келиб чиқиши – генезисини аниқлаш борасида қўшимча тадқиқотлар олиб бориш зарурати туғилмади ҳам. Аслида, бир олимнинг ҳеч бир далилсиз шунчаки қуруқ оғзаки баёноти

Қораденгизбўйи ва Шимолий Кавказ тилла буюмлари билан ўхшаш. Иссиқ топилмаларида «скиф жониворлар услуби» ҳайратланарли даражада акс эттирилган. Бироқ Олтой дурдоналари жим. Номадлар (кўчманчилар) даврида, яъни миллоддан аввалги 1 минг йилликда Оврүсиянинг жуда катта ҳудудида яшаганларга дохил бўлган беҳисоб археологик топилмалар ҳам сукутда. Милоддан олдинги III асрга оид Хитой йилномасида Кан-

мий ёзувидан тарқаган сўнги эроний ёзув вариантларидан бири асосида вужудга келгани илгари сурилганди. Туркология устунлари тасдиқлаган вақтга тўғри келмайдими, демак, Иссиқдаги ёзув мутлақо турк-рун эмас. Коса эса оромий ёзувидан фойдаланадиган бирор мамлакат, эҳтимолки Эрондан келтирилган ва мактобга тасодифан тушиб қолган. Бинобарин, Иссиқ матни эроний ёки семитча ёзувдир.

Бундай ғайритабиий иддаоларга жим кета олмаймиз. Аксинча, биз масалага қизиқишни қучайтиришни бурчимиз деб биламиз. Ўрхун-Енисей (Энлисей) ёзуви келиб чиқиши муаммоси илк ва охириги марта XIX асрда даниялик олим В.Томсон ва фин олими О.Доннер илмий тадқиқотларида (у ҳам озакироқ) ўрганилган.

Сибир руналари эроний манбалардан келиб чиққан, деган фаразини О.Доннер ўртага ташлаган. Қадимги туркий алифбо билан эроний алифболарни шунчаки солиштирганда ҳам «Войвод» деб турадиган эллигалар бўлишига қарамай, бу фикр ҳамон устувор. Уларнинг асоси – макон ва замон илмиги. Яъни Ўрхун-Енисей ёзуви милоддан олдинги VII асрда Эронда пайдо бўлган ва тарқалган Авесто ёзуви билан бир вақтда пайдо бўлган, деб ҳисоблашади.

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, туркий палеографиянинг барча муаммолари (аниқроғи, касофати) ушбу сунъий ҳосил қилинган сана билан боғлиқ. Бу эса турк-рун ёзуви жун, кеч пайдо бўлган, бошқалардан ўзлаштириб олинган деган янглиш тасаввурни ҳосил қилган.

...XIX асрнинг охириларидagina турк-рун ёзувларини ўқиш йўли топилди (В.Томпсон). В.Радлов, Мелиоранский ўқишга муваффақ бўлди. Шу билан XIX аср ўрталарига қадар руник ёзувларни ўрганиш тарихида изчиллик кузатилмади. Шу боис Сергей Ефимович Маловни Ўрхун-Енисей ёзуви ва тили бўйича СССРдаги ягона мутахассис деган мақола муаллифи ошаириб юбормаганди.

Беихтиёр солиштиришга ту-

шаман: «Игор бўлги ҳақида дoston»даги туркизм сўзларининг ўзигагина бағишлаб ўнлаб мақолалар яратилган. Улар туркий палеографияга бағишланган ишлардан ҳам кўндир. Пушкин, Карамзин, Хлебников, Блок, Маяковский каби рус ёзарлари асар борасидаги бахсларда иштирок этган. Оврүпа маданиятининг (адабиётининг) XII асрга дохил бирор ёдгорлиги «Достон» каби миллий маданиятга самарали таъсир қила олмаган. Бир неча бор таржима қилинган «Достон» ҳар бир ўқувчининг ўқув халтасида учрайди, уни она тили дарслигида ёд оладилар, ўша асардан халқи ва унинг тарихини иззат қилиш йўллари ўрганадилар. Рус олимлари эътибори тўғрисида «Игор бўлги ҳақида достон» хонанишин фанлар қўл артадиган дастмолга айланиб қолмади.

Биз эса турк-рун ёзувлари ҳақида охириги, илмий далилланган тўхтама ҳамон эга эмасмиз. Мен бир ёзувчи ва тарихсевар сифатида туркий ёзув ҳеч қандай асоссиз «тасодифий» деб талқин қилиниши, махсус ўрганиш шарт эмас, деб ҳисобланиши, умуман, сохта аксиоматик тезис қурбон бўлишига рози эмасман!

Агар қабрлардан топилган туркий битик ёдгорликлари радиоуглерод методи билан ўрганилганда эди, «эрамизнинг VI–V асрлари» санаси ўз-ўзидан гумонга дучор бўларди. Семит ва Оврүпа ҳарфлар тизими келиб чиқишини турк-рун ёзувлари билан қоғиштириш қанча саволларга жавоб топган бўларди!

Қозоғистонлик ёзувчига бегона худудлардаги ўлик маданиятни тиклаш нега кераклигини мутлақо англаб етмаган туркологларимизни астойдил гангитиб қўйган изланишларим: скандинав руналари, этрусқабр битикларини ўрганишга йилларни сарф қилганим боиси шу эди. XIX–XX юзйилликнинг этногенез муаммоларини ҳозирги давлат чегараларидан чиқмасдан ҳал қилиб бўлмайди.

(Давоми келгуси сонда)

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлалар – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-ўй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер маркасида терилди ва саҳифаланди. «Sharq» нашриёт-матбаа акцидорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй. Баҳоиси келишилган нарҳда. Тахририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001. АТИБ «protoka bank» Яшнобод филиали, банқ коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКД: 58130.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон – (+998-99) 889-90-23. Бухоро – (+998-99) 889-90-31. Жиззах – (+998-99) 889-90-34. Наманган – (+998-99) 889-98-02. Навоий – (+998-99) 889-90-28. Тошкент – (+998-99) 889-90-25. Самарқанд – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё – (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32. Фарғона – (+998-99) 889-90-24. Хоразм – (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27. «Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Х. Норбоев. Мусаҳҳиб: С. Шодиева. Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов. ЎА яқини – 22:35. Топширилди – 01:50. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Бюртма Г – 717. 28020 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133. 1 2 3 4 6